# ТАШАББУСКОРЛАР НАМУНАСИ

**ЎНИНЧИ беш йилликнинг тўнғич йили тугашига саноқли кунлар қолмоқда. Совет кишилари шу сўнгги кунларда зўр кўтаринки руҳ билан фидокорона меҳнат қилмоқдалар, КПСС XXV съезди қарорларини бажаришга муносиб ҳисса қўшишга астойдил интилмоқдалар. Улар КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари ўртоқ Леонид Ильич Брежнев туғилган куннинг 70 йиллигини зарбдор меҳнат билан нишонлашга ҳаракат қилишяпти.**

**Пойтахт области саноат корхоналарининг минглаб илғорлари қаторида Тошкент тўқимачилик комбинатининг коммунистик меҳнат зарбдорлари ҳам бормоқдалар. Улар коммунистик партиянинг мамлакатимиз кучқудратини мустаҳкамлаш, халқимиз фаровонлигини ошириш ҳақидаги ғамхўрлигига ҳар бир иш жойида фидокорона меҳнат билан жавоб бермоқдалар. Бу ташаббускорлар ўнинчи беш йилликнинг иккинчи йили арафасида янада юксак марраларни эгаллаш, план топшириқларни бажаришда янада юксак кўрсаткичларга эришишга азму-қарор қилмоқдалар. Социалистик мусобақа иштирокчиларининг авангардида бораётган Тошкент тўқимачиларининг меҳнат рапортлари ана шундан далолат бериб турибди, бу рапортларни қуйида босаяпмиз.**









## ФАҚАТ АЪЛО СИФАТГА

ЎНИНЧИ беш йилликнинг икки йиллик топшириғини 1976 йилнинг 29 ноябрида бажарганлигимни қувонч билан маълум қиламан. Қўлимдан чиққан ҳамма хом сурп фақат аъло сифатга қабул қилинди.

Тўққизинчи беш йилликда тўплаган тажрибам бу йилнинг дастлабки кунлариданоқ ўнинчи беш йиллик топшириқларини муддатидан илгари бажариш юзасидан юксак суръат билан ишлашимга ёрдам берди. Партиямиз XXV съезди тарихий қарорларига амалий иш билан жавоб бериш биз коммунистларнинг шарафли бурчимиз деб ҳисоблайман. Шунинг учун ҳам ўнинчи беш йилликда икки беш йиллик топшириғини бажаришга ва кўп йиллик меҳнат жараёнида тўплаган бой иш тажрибамни ёш ишчиларга ўргатишга, уларнинг маҳоратини ўз маҳоратим даражасига етказишга қарор қилдим.

Ҳозирги вақтда икки ёш тўқувчи — Антонина Молодова ва Светлана Фасхутдиноваларга оталиқ қилишни давом эттираяпман. Ҳозирнинг ўзидаёқ бу меҳнатсеварлар тармоқ нормасидаги 24 станок ўрнига 33 станокни бошқаришяпти. Улар ҳам маълум вақтдан сўнг худди мен сингари 48 станокни бошқаришга ўтаолишларига қатъий ишонаман.

**А. ВЕРЗИЛИНА,**
**тўқувчи.**

## ШОГИРД — УСТОЗГА ТЕНГЛАШСИН

КОМБИНАТИМИЗНИНГ тўқувчилар коллективи билан бирга ўнинчи беш йиллик зарбдор меҳнат вахтасида ишлаб, икки йиллик топшириқни муддатидан илгари — 24 ноябрда бажарганлигимни катта қувонч билан маълум қиламан. Мен йигирган барча маҳсулот фақат аъло сифатли бўлди.

Йил охиригача яна беш тонна калава ишлаб чиқараман.

Комбинатимизнинг донгдор тўқувчиси А. С. Верзилинанинг «Шогирд — устозга тенглашсин» шиори остида бошлаган ташаббусига мен ҳам қўшилган эдим. Ёш йигирувчилар Люба Клецова ва Лена Бурлаеваларни оталиққа олдим. Уларга ўз ҳунаримни бажону-дил ўргатмоқдаман. Бундан ташқари, комбинат ҳузуридаги ҳунар-техника билим юртининг бир группа талабаларига ҳам мураббийлик қилаяпман.

Ўнинчи беш йилликда зиммамга олган юксак мажбуриятларни тўла бажаришга эришиш учун барча имкониятлардан фойдаланаман.

**Л. ГЕРАСИМОВА**
**йигирувчи.**

## ИККИ ЙИЛЛИК ПЛАН МУДДАТИДАН ИЛГАРИ

ТУРЛИ миллат вакилларини ўз сафига бирлаштирган кўп минг кишилик аҳил ва иноқ коллективимиз ўнинчи беш йиллик топшириқларини муваффақиятли амалга ошириш учун фидокорона меҳнат қилмоқда. Корхонамизнинг барча цехларида Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 60 йиллигини муносиб кутиб олиш юзасидан бошланган социалистик мусобақа кун сайин қизимоқда. Тўқимачилар ўнинчи беш йилликнинг биринчи йилида зиммаларига олган юксак мажбуриятларини шараф билан адо этмоқдалар. Шахсий мажбуриятимни ҳам муваффақиятли бажаряпман. Шу йилнинг 25 ноябрида икки йиллик ишлаб чиқариш программасини бажарганлигим ҳақида ғалаба рапорти бердим. Шундан сўнг ўз имкониятларимни ҳисоблаб чиқиб, йил охиригача яна 40 минг метр газлама тўқишга ваъда бердим. Ҳозир бу ваъдамнинг тўла уддасидан чиқаяпман.

Комбинатимиз тўқувчиси А. С. Верзилинанинг ташаббусига мен ҳам қўшилганман. Ҳозир ёш мастер ёрдамчиси В. Спикинга мураббийлик қиляпман.

Ўнинчи беш йилликда зиммамга олган социалистик мажбуриятимни сўзсиз бажараман. Бунинг учун бутун тажрибам, маҳоратим ва билимимни аямай ишлайман.

**А. ЛАБЗИН**
**мастер ёрдамчиси**

## 250.000 КЎЙЛАККА ЕТАДИ

ШУ кунларда бутун совет халқи КПСС XXV съезди белгилаб берган яратувчилик ишлари улуғвор программасини амалга ошириш учун фидокорона меҳнат қилмоқда. Биз тошкентлик тўқувчилар ҳам ана шу умумдавлат ишига ўз улушимизни қўшаётганлигимиз билан чексиз ғурурланамиз ва фахрланамиз. Янада самарали, юксак сифатли, бутун билимимиз ва тажрибаларимизни сарфлаб ишлашга ҳаракат қилаяпмиз.

Бир беш йилликда ўн йиллик нормани бажариш юзасидан зиммамга олган мажбуриятимни шараф билан адо этаётганлигимдан беҳад хурсандман. Бу маррага комил ишонч билан бораяпман. 1976 йилнинг 7 декабрида икки йиллик топшириқни бажардим. Шу вақт ичида 629 минг метр юксак сифатли газлама тўқидим. Бу газламадан 250 мингдан ортиқ кишига кўйлак тикиш мумкин.

Мен мураббийлик қилаётган ёш тўқувчилар Л. Малишева ва С. Миралиевалар ҳам самарали ишламоқдалар. Улар нормадаги 24 ўрнига 36 станокка хизмат қилмоқдалар.

**Н. ЕРШОВА,**
**тўқувчи**

## ЯНГИ МАССИВ

ОРЖОНИКИДЗЕ районидаги «Қизил Ўзбекистон» колхозининг Қора сув массиви шу кунларда йирик қурилиш майдонига айланган. Бу ерда «Главташкентстрой»га қарашли 8 трестнинг 1-қурилиш-монтаж бошқармаси коллективи бунёдкорлик ишларини олиб бормоқда.

— Бошқармамиз бу ерда кенг ҳажмдаги ишларни амалга оширишлари керак, — дейди бошқарма бошлиғи Баҳодир Рустамов, — 2-Қора сув микрорайонида 14 та 56 квартирали, 19 та 54 квартирали, 4 та 32 квартирали, 2 та 48 квартирали турар-жой бинолари, мактаб, болалар боғчаси қад кўтаради. Шундай улкан ишларни бажаришга аҳд қилган бунёдкорларимиз ҳозирги вақтда ўзаро социалистик мусобақани авж олдириб, меҳнат қилишяпти. Айниқса, Иброҳим Юнусов, Виктор Шинкин бошлиқ злобинчилар бригадалари аъзолари фидокорлик кўрсатишяпти. Улар мусобақада пешқадамлик қилмоқдалар.

**А. НАЖМИИ.**



**«Малика» трикотаж ишлаб чиқариш бирлашмасининг тўқувчиси Машкура Қодирова корхонада илғорлардан ҳисобланади. Моҳир тўқувчи смена топшириқларини ортиғи билан бажариб, сифатли маҳсулот етказиб бермоқда.**

А. Тўраев фотоси.

## ҲУРМАТГА САЗОВОР

ҚУДРАТ ака Қўшбоқов Бекобод районидаги «Победа» колхозида кўп йиллардан бери почтальон бўлиб хизмат қилади. У ўз ишига масъулият билан ёндашиши туфайли аҳоли ҳурматини қозонган.

Шу кунларда Қ. Қўшбоқов 1977 йил учун обуналар қабул қилишда активлик кўрсатаяпти. Унинг ғайрати ва эътиборлиги туфайли колхоздаги ҳар бир хонадон аъзолари 3—4 нусхадаги газета ва журналларга обуна бўлишди. Қудрат ака обуна қабул қилиш ишларини ҳамон қизғин давом эттираяпти.

**Н. ЖАЛИЛОВ.**

## ХАЛҚАРО ЛАГЕРГА

Куни кеча Тошкент вокзалидан Белоруссия пойтахтидаги «Юность» халқаро ёшлар лагерига «Дўстлик» поезди жўнаб кетди. Областимизнинг ёш илғор қишлоқ хўжалик меҳнаткашлари ва саноат корхоналарининг ишчилари бир неча кун давомида лагерда дам оладилар.

250 кишидан иборат группа аъзолари орасида Калинин районидаги Оржоникидзе номли колхоз маккажўхорикорлар комсомол-ёшлар бригадаси бошлиғи Ш. Жуманалиева, Бўка районидаги хўжаликларнинг механизаторлари С. Суюнов, Ғ. Амиров ва бошқалар бор. Улар ўнинчи беш йилликнинг дастлабки йили социалистик мусобақасининг ғолиби бўлишган.

Областимизнинг ёш ишчи ва қишлоқ хўжалик меҳнаткашлари Минск шаҳрида ўз тенгдошлари, Социалистик Меҳнат Қаҳрамонлари, ижодий ходимлар билан учрашадилар.

## КИНО ХИЗМАТИ ЯХШИЛАНАДИ

Юқори Чирчиқ район кинолаштириш бошқармаси аҳолига намунали хизмат кўрсатиш мақсадида алоҳида ғайрат кўрсатмоқда. Районнинг барча аҳоли пунктларида системали кино хизмати йўлга қўйилган. Болалар учун кинофильмлар кўрсатишга ҳамиша диққат-эътибор бериб келинаётир. Илмий-оммабоп ва хроникал-ҳужжатли фильмлар намойиши яхшиланмоқда. Ана шулар эвазига давлат планлари доимо ортиғи билан адо этиляпти.

Район ижроия комитетининг навбатдаги кенгаши «Районда кино хизмати кўрсатишнинг аҳволи ва уни янада яхшилаш чоралари» тўғрисидаги масалани кўриб чиқиб, ана шуни алоҳида таъкидлади.

Бироқ бу ютуқлар ҳали қониқарли эмас. Қиш мавсумида «Ўзбекистон», «Ленин йўли» ва Энгельс номли колхозларнинг баъзи участкаларида кинофильмлар кўрсатиш учун етарли шарт-шароит йўқ. Кино ходимларини транспорт воситалари билан таъминлаш кўнгилдагидек эмас. Райондаги спорт мактаблари заллари базасида болалар кинотеатрлари очиш пайсалга солинмоқда. Район ижроия комитети кўрсатилаётган фильмлар репертуарини бойитиш, ҳарбий-ватанпарварлик темасидаги ва ҳужжатли ҳамда илмий-оммабоп кинофильмларни кўпроқ намойиш этиш зарурлигини уқтирди. Номлари кўрсатилган колхозлар правлениеларига жойларда клуб биноси қурилишини бошлаш юзасидан чора-тадбирлар кўриш таклиф этилди. Бу клуб ва кино майдончалари қурилишининг чизма ва проектларини ишлаб чиқишни таъминлаш, қуриладиган кино залларини жиҳозлашда кўмаклашиш район кинолаштириш бошқармасининг раҳбарларига топширилди.

Мактабларда ўқувчилар учун кино кўргазмалар ташкил этиш ва кўчма кино хизмати кўрсатишда техника воситалари таъминотини яхшилаш учун ҳам зарур тадбирлар белгиланди.

**А. БОБОБЕКОВ.**

## УЛУҒ РУС ТИЛИГА БАҒИШЛАБ...

**РУС ТИЛИНИ ўқитиш ва ўргатиш масалаларига бағишланиб Тошкентда ўтказилган Бутуниттифоқ илмий-амалий конференцияси маданий ҳаётимизда муҳим воқеа бўлган эди. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, СССР Маориф министрлиги ҳамда Ўзбекистон ССР Маориф министрлиги мазкур конференция якунларига қарата қарорлар қабул қилдилар.**

**Мана шунга бир йилча вақт ўтди. Шу орада областимиз шаҳар ва районларида рус тилини ўқитишни янада яхшилашга бағишланган илмий-амалий конференциялар бўлди. Ушбу йиғилишларда рус тилини ўқитишнинг методик асослари, машғулотларда техника воситаларидан кенг фойдаланиш хусусида қимматли фикрлар айтилди, яхши таклифлар киритилди. Тўпланган бой тажрибаларни умумлаштириш, илғор иш усулларини оммалаштириш мақсадида яқинда область илмий-амалий конференцияси чақирилди.**

**Область партия комитети, область халқ маориф бўлими ва ўқитувчилар малакасини ошириш институти томонидан ўтказилган бу йиғинда мактабларда рус тилини ўқитишнинг аҳволи ва уни янада яхшилашда педагогик коллективлар олдида турган вазифалар атрофлича муҳокама қилинди.**

**Конференция область халқ маорифи бўлими мудири А. Солиевнинг кириш сўзи билан бошланди. У рус тилини ўқитиш ва ўргатиш масалаларига бағишланиб Тошкентда ўтказилган Бутуниттифоқ конференцияси тавсияларини амалга ошириш йўлида қилинган ишлар ҳақида гапирди.**

**КПСС XXV съезди қарорлари асосида ҳамда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг Бутуниттифоқ конференцияси якунларига қарата қабул қилган қарори муносабати билан мактабларда рус тилини ўқитиш ва ўргатишни янада яхшилаш тўғрисида область партия комитети фан ва ўқув юртлари бўлими мудирининг ўринбосари Э. Орифжонов доклад қилди. Областимиздаги билим ўчоқларида рус тили ва адабиёти дарси бўйича малакали педагоглар иш олиб боришаяпти, дейди докладчи. Уларнинг асосий кўпчилиги олий маълумотлидир. Бутуниттифоқ конференциясидан сўнг ўтган вақт ичида рус тили ва адабиёти кабинетлари сони анча кўпайди. Машғулотларни кўргазмали ташкил этишга ҳам алоҳида аҳамият берилмоқда. Кўпгина мактабларда дарслар техника воситалари ёрдамида олиб борилмоқда.**

**Конференция қатнашчилари Ўзбекистон ССР Педагогика фанлари илмий-текшириш институти рус тили ва адабиётини ўқитиш методикаси сектори мудири В. Адриановнинг докладини ҳам қизиқиш билан тингладилар. У, ўқувчиларда мустақилликни шакллантириш рус тилини ўрганишда ҳам муҳим омил эканлиги ҳақида батафсил гапириб берди. Илмий-текшириш институтларида, олий ўқув юртларида олиб борилаётган тадқиқотлар ва методик ишлар, илғор педагогик тажрибаларни кенг ёйиш борасида амалга оширилган тадбирлар хусусида тўхталди.**

**Докладлардан сўнг ўқитувчилар секцияларга бўлиниб, ўз иш тажрибалари ҳақида ўртоқлашдилар. «Бошланғич синфларда рус тилини ўқитиш» секцияси йиғилишида республика рус тили ва адабиёти педагогика институтининг кафедра мудири С. Маҳмудова, педагогика фанлари кандидати Э. Мирочник, Ўрта Осиё медицина педиатрия институтининг кафедра мудири Л. Железнякова, Оржоникидзе районидаги 33-ўрта мактабнинг рус тили ўқитувчиси А. Невзорова ва бошқа ўртоқлар сўзга чиқишди.**

**«IV—X синфларда рус тилини ўқитиш методикаси» секцияси йиғилиши ҳам жуда қизиқарли ўтди. Методист олималардан З. Аббосова ва Л. Золотоваларнинг чиқишлари мароқ билан тингланди.**

**Конференция Ўрта Чирчиқ районининг маркази Тўйтепа шаҳридаги 4-ўрта мактаб биносида ўтказилди. Шунинг учун ҳам бу ерга келган меҳмонлар мазкур билим ўчоғида олиб борилаётган таълим-тарбия ишлари билан яқиндан танишдилар. Рус тили ва адабиёти фани кабинетларини кўздан кечирдилар. Мактабнинг рус тили ўқитувчилари эса ўқувчиларда қудратли тилга қизиқиш ва ҳавас уйғотиш борасида олиб борилаётган ишлар ҳақида гапириб бердилар.**

**Конференция ишида область партия комитети фан ва ўқув юртлари бўлимининг мудири Н. Иброҳимов қатнашди.**

**Конференцияда область мактабларида рус тилини ўқитишни тағин ҳам яхшилашга қаратилган тавсиялар ишлаб чиқилди.**

**А. АЛИЕВ,**
«Тошкент ҳақиқати»нинг махсус мухбири.



**Ўзбекистон ССР қурилиш министрлигининг ҳисоблаш маркази кўпгина электрон ҳисоблаш машиналари билан жиҳозланган бўлиб, марказнинг инженер-техник ходимлари қурилиш тармоқларининг мураккаб ишларини қисқа вақт ичида ҳал қилиш имконига эгадирлар. Суратда: ҳисоблаш марказини кўриб турибсиз.**

Р. Содиқов фотоси.

## ИНСТИТУТ ВА КОРХОНА

Ўзбекистон ССР Фанлар академияси Химия институти олимлари бу йил қатор тадқиқотларга якун ясадилар. Бу муваффақиятларда илмий муассаса билан ишлаб чиқариш корхоналари ўртасида ўрнатилган ижодий ҳамкорлик ҳам ижобий роль ўйнади.

Институт Чирчиқдаги «Электрохимпром» ишлаб чиқариш бирлашмаси мутахассислари билан биргаликда айрим химиявий махсулотларни тайёрлашни йўлга қўйди. Аммиак селитра ишлаб чиқариш технологияси яхшиланди. Шунингдек, «ЦАКС» деб номланган янги дефолиант ўзлаштирилди.

Оҳангарон ва Ангрендаги йирик корхоналарда ҳам олимлар билан бамаслаҳат иш олиб борилмоқда.

## ФАОЛИЯТИМИЗНИ КУЧАЙТИРАМИЗ

ТУРМУШИМИЗ кун сайин фаровонлашиб бормоқда. Коммунизм қураётган совет халқи янги-янги муваффақиятларни қўлга киритаётир. Шу билан бирга меҳнаткашларнинг маданий савияси, онгини юксалтиришда ҳам ютуқларимиз салмоқли. Бунда омма орасида ташкилий-тарбиявий ишларнинг кучайтирилаётганлиги, жамоатчи ташкилотларнинг роли катта.

Буни бизнинг маҳалламиз мисолида ҳам билса бўлади. Биз ўз ишимизни партия ва ҳукуматимизнинг қарорлари ва кўрсатмаларини амалга оширишга қаратган ҳолда ташкил этганмиз. Махсус тузилган Советлар белгилаган тадбирларимиз ижросини текшириб боради.

Карима Алимова раҳбарлик қилаётган хотин-қизлар советининг ишлари айниқса жонланиб бормоқда. Бу совет аёлларнинг жамиятда тутган ўрни, оила маданияти ҳақида суҳбатлар ўтказади. Хотин-қизлар орасида ишлаб чиқариш илғорлари, малакали мутахассис-кадр аёлларимизнинг меҳнат йўли, иш тажрибаларини тарғиб қилади. Шу сабабдан маҳаллада активлар сафи аёллар ҳисобига кенгайиб бораётир. Советнинг фаолияти оилалардаги барқарорликни таъмин этишда, болалар тарбияси сингари муҳим ишда ҳам қўл келмоқда.

Қариялар Совети ва маҳалла оқартув бўлими ҳамкорликда олиб бораётган ишлар ҳам диққатга сазовор. Уларнинг ташаббуси билан шанбаликлар ўтказиб турилади. Маҳалла территориясини ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштиришда ҳашар йўли билан қилинаётган ишларнинг аҳамияти катта бўлмоқда. Кўпчиликнинг тотувлиги, баҳамжиҳатлигини вужудга келтираяпти.

Ҳар йили эрта кўклам ва куз мавсумларидаги дарахт ўтказиш ойлигида маҳалламиз территориясига кўплаб мевали ва манзарали дарахтлар ўтқазилади. Кўчалар ва йўлакларни тартибга келтирамиз.

Тушунтириш ишларини жонли ва қизиқарли ўтказишда турли мавзуларда ташкил этилаётган суҳбатларимиз қўл келмоқда. Айниқса яқинда профессор Одил Шокиров маҳалла клубида ўқиган «Халқ соғлиғи — Ватан бойлиги» деган темадаги лекция кўпчиликка манзур бўлди. Республика «Билим» жамиятидан ва бошқа ташкилотлардан таклиф этилган лекторлар шу йилнинг ўзида тўққизта суҳбат ўтказишди. Уларнинг асосийлари Коммунистик партиянинг ички ва ташқи сиёсати, Ватанимиз иқтисодий қудратининг мустаҳкамланиши масалаларига қаратилган бўлиб, мароқли ўтди.

Тўпланганлар ўзларини қизиқтирган кўпчилик саволларга жавоб олдилар.

Эскилик сарқитларини таг-туги билан йўқ қилиш учун кураш энди кўпчиликнинг иши бўлиб қолди. Бу мавзуда ҳам жуда кўплаб суҳбат ва лекциялар ўтказдик. Янгича анъаналарни тарғиб қилиш советининг таклифи билан яқинда Собир Раҳимов район партия комитети қошидаги «Билим» жамиятининг бошлиғи Жўра Каримов маҳалламизда меҳмон бўлди. Кўргазмали воситалар ва плакатли расмлар ёрдамида ўқилган «Дин ва атеизм» темасидаги суҳбат кўпчиликда чуқур қизиқиш уйғотди.

Тўйларни замонавий қилиб ўтказишга кун сайин кўпроқ ва жиддийроқ эътибор берилаяпти. Бу муҳим масала юзасидан айниқса матбуотда эълон қилинган «Замонамиздек гўзал бўлсин» сарлавҳали мақоладан сўнг анча-мунча тадбирларни амалга оширдик. Маҳалламизда тўй ва янгича маросимлар совети тузилди.

Бу совет обрўли отахонлар, маҳалла активлари билан бамаслаҳат иш олиб бормоқда. Ҳозир маҳалламизда ўтказилаётган тўйларда «тўққиз-тўққиз», нонушта деган ортиқча даҳмазалар, сават-сават нон кўтариб келишлар йўқ бўлди. Ҳар икки тараф билан келишиб уюштирилиши туфайли тўйларнинг мазмунли ва ортиқча чиқимсиз ўтишига эришмоқдамиз. Спиртли ичимликларнинг кескин камайтирилганлиги, ҳаваскор хонандаларнинг хизмати тўйларимизга янгича руҳ бераяпти.

Қизилтут кўчасида яшовчи Т. Ҳамидов, А. Айсаев ҳамда С. Содиқовларнинг тўйлари ана шундай файзли ва чиройли ўтди. Сабаби бу тўйларга таклиф этилган санъаткорлар тўй бюросининг ҳужжати билан келиб, камтарин хизмат қилишди. Ичимликлар озу-соз бўлди, меҳмонлар жуда кўнгилли тарқалишди.

Маҳалламизда кўпчилик матбуот ихлосманди. Газета-журнал кирмаган хонадон бизда деярли йўқ. Шу кунларда ҳам маҳалламизда вақтли нашрларга обуна давом этаяпти. Ҳар бир оила уч-тўрт хил газета-журналларга обуна бўлди. Маҳалла комитети ва активлари бу муҳим сиёсий кампанияда ҳам бошқа ишлардаги каби ташкилотчилик кўрсатаётирлар.

**Н. МАҲСУМОВ,**
**Собир Раҳимов районидаги Калинин номли маҳалла комитетининг раиси.**

## БМТ СТИПЕНДИАТЛАРИ ЎЗБЕКИСТОН ТАЖРИБАСИ БИЛАН ТАНИШМОҚДАЛАР

**Тошкентда қишлоқ хўжалик статистикасини ўрганиш курси очилди. Бу курсда Осиё ва Латин Америкасидаги саккизта ривожланаётган мамлакатдан, шунингдек Европадаги баъзи давлатлардан БМТнинг ўн тўртта стипендиати таълим олмоқда.**

**Курс программаси саккиз ойга мўлжалланган. Ўзбекистон статистикаси ва қишлоқ хўжалиги соҳасидаги олимлар, етакчи мутахассислар лекция ўқийдилар. Тингловчилар илғор пахтачилик хўжаликларида ишлаб чиқаришни ташкил этиш билан, республикада мелиорация хизматининг иши билан танишадилар. Фарғона водийсидаги сув хўжалиги объектларида бўладилар, Жиззах ва Қарши даштларидаги янги қурилишларни бориб кўрадилар.**

**(ЎзТАГ).**

## КОМПЛЕКС ТАРАҚҚИЁТ ЙЎЛИДАН

**Тошкент областидаги У. Юсупов номли ишлаб чиқариш — аграр бирлашмасида техника хизмати кўрсатадиган катта станция қурила бошлади. «Узсельхозтехника» станция биносини қуради, машина ускуналарини монтаж қилади. Станция хўжаликдаги бутун машина-трактор паркини ўз таъминотига олади. У диагностика аппаратлари ёрдами билан профилактика ўтказиб туради, узел ва агрегатлар бетўхтов ишлашини таъминлайди.**

**Инженерлик хизмати барпо этилиши шу беш йилликда бирлашмани комплекс ривож топтириш юзасидан ўтказилиши мўлжалланган тадбирларнинг биридир. Уларни жорий этиш мева, узум етиштиришни кўпайтиришга, хўжаликдаги сутчилик фермалари маҳсулдорлигини оширишга, уни серунум қилишга имкон беради.**

**У. Юсупов номли бирлашма энди Ўзбекистонга келтирилаётган ва боғдорчиликда, токчиликда ишлатиладиган янги машиналар синаб кўриладиган база хўжалиги бўлиб қолди.**

**(ЎзТАГ).**

